

«QULAY INSURANCE» АЖ  
Ягона иштирокчиси томонидан

2024 йил 03 июлдаги

1-сон қарори билан

**ТАСДИҚЛАНГАН**



«QULAY INSURANCE»

АКЦИЯДОРЛИК

ЖАМИЯТИ

УСТАВИ

## МУҚАДДИМА

«QULAY INSURANCE» Акциядорлик жамияти (бундан буён “Жамият” ёки “АЖ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг Ягона Иштирокчиси:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ 2022 йил 17 март 86-рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган ва Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензия асосида фаолият кўрсатаётган, 100015 Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б манзилида жойлашган «ТВС BANK» Акциядорлик тижорат банки (бундан буён «ТВС» ёки «Ягона Иштирокчи» деб юритилади).

Мазкур Уставда қўлланилган атамалар ва таърифлар қуйидаги маънони англатади:

- **«Устав»** деганда мазкур устав – Жамиятнинг асосий таъсис ҳужжати тушунилади;
- **«Устав Фонди»** деганда Жамиятнинг устав фондининг қиймати тушунилади;
- **«Ижроия Органи»** ёки **«Бош Директор»** деганда Жамиятнинг бош директори – Жамиятижроия органи тушунилади;
- **«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»** Жамиятнинг олий бошқарув органи англатади;
- **«Ички Аудит Хизмати»** деганда Жамиятнинг Ички Аудит Хизмати тушунилади;
- **«АЖ Қонуни»** деганда Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 06-майдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» № ЎРҚ-370 қонуни тушунилади;
- **«Қонунчилик», «Амалдаги Қонунчилик», «Қонун Ҳужжатлари»** ёки **«Қонун»** деганда Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай бошқарув органи томонидан қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Қонунлар, Фармонлар, Қарорлар ва ҳоказолар тушунилади.
- **«Захира Фонди»** деганда Жамият захира фонди тушунилади;
- **«Давлат органи»** деганда Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай ҳукумат, маъмурий, назорат, норматив, суд, аниқловчи, интизомий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки солиқ органлари, агентликлари, органлар, филиаллар, бўлимлар, институтлар ва бўлинмалар, шу жумладан барча Республика, марказий, минтақавий, маҳаллий ва муниципал органлар, судлар, ҳамда трибуналлар, булар қаторида: (а) қонун чиқарувчи (шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Парламенти), ижро этувчи (шу жумладан Ҳукумат) ва суд ҳокимиятининг органлари ва бўлимлари; (б) сайлов органлари; (в) тартибга солувчи органлар; (д) Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига мувофиқ қандайдир давлат ваколатларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар тушунилади;
- **«Кузатув Кенгаши»** деганда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Жамиятнинг умумий бошқарув фаолиятини амалга оширувчи кузатув органи тушунилади;
- **«Учинчи томон»** Жамиятнинг акциядори бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс;
- **«Сўм»** деганда сўм, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси тушунилади;
- **«АҚШ доллари»** деганда АҚШ доллари, Америка Қўшма Штатларининг миллий валютаси тушунилади.

Мазкур Уставда, агар мазмун бошқача ифодаланмаган бўлса:

- **«Устав»** деганда унга ўзгартириш киритилганлиги, янгиланганлиги ёки қўшимча киритилганлиги ёки вақти-вақти билан ўзгартирилиши, янгиланиши ёки қўшимча киритилиши мумкинлиги муносабати билан, мазкур Уставга ҳавола сифатида талқин қилиниши лозим;
- **«кун»** ёки **«кунлар»га** ҳавола қилинганда календар кунлар тушунилиши лозим;
- **«жумладан»** ёки **«ўз ичига олади»** деганда ҳеч қандай чекловларсиз шу жумладан ёки ўз ичига олиш тушунилади;

- «шахс»га ҳавола жисмоний шахсни, корпорацияни, компанияни, шериклик хўжаликларини, фирмани, ишончли бошқарувчини, трастни, ижрочини, маъмурий бошқарувчини ёки бошқа қонуний шахсий вакилни, нокорпоратив ассоциация, кўшма корхона, синдикат ёки бошқа бизнес муассасаларини, ҳар қандай ҳукумат, маъмурий ёки тартибга солувчи орган ёки агентлик (мазкур шахс баъзан мазкур ҳужжатда шундай сўзларнинг баъзилари билан биргаликда қўлланилиши мумкинлигига қарамасдан) ва уларнинг тегишли ворисларини, қонуний шахсий вакиллари ва рухсат этилган ворисларини ўз ичига олиб, вазиятга ва оқмошига қараб шунга ўхшаш кенг маънога эга бўлишлари лозим.
- «ёзма шакл»га ёки шунга ўхшаш таърифларга ҳар қандай ҳавола уни қабул қилиб олувчи томонидан чоп этиш мумкин бўлган ҳамда бошқа амалдаги ва келажакда шунга таққосланиши мумкин бўлган алоқа воситалари орқали, факсимиле орқали, шунингдек электрон манзил орқали юбориладиган хабарларга ва бошқа электрон хабарларга ҳаволани ўз ичига олади;
- Мазмун бошқача ифодаланмаган бўлса, бирлик шаклида келтирилган сўзлар кўпликни англатади ва аксинча.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1.1. Жамиятнинг расмий номи:

#### Тўлиқ:

- ўзбек тилида: «QULAY INSURANCE» aksiyadorlik jamiyati;
- инглиз тилида: «QULAY INSURANCE» joint stock company;
- рус тилида: Акционерное общество «QULAY INSURANCE».

#### Қисқартирилган:

- ўзбек тилида: «QULAY INSURANCE» AJ;
- инглиз тилида: «QULAY INSURANCE» JSC;
- рус тилида: АО «QULAY INSURANCE».

1.2. Жамиятнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б уй.;

1.3. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

## II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

2.2. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка, хўжалик фаолиятдан олинган фойдага, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар натижаларига, шунингдек Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ бошқа асосларга кўра олинган бошқа мулкка эга бўлади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан фақат Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ ундириб олиш қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Жамиятнинг акциядорлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар булмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Жамият шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.



2.4. Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ўзининг асосий Жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг Қонун Хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Жамият бошқа корхоналар ва ташкилотлар ташкил этишда ўз пул маблағлари ва пулдан ўзга воситалар билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқиغا эга.

2.7. Жамият мустақил балансга ва фойда ва зарарлар ҳисоботиغا эга бўлади.

2.8. Жамият ўз номидан битимлар тузишига, мулк ва шахсий номулк хуқуқларни сотиб олиши ҳамда улардан фойдаланишига, мажбуриятларни бажаришига, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашишига ҳақлидир.

2.9. Жамият Қонунчилик талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.10. Жамият давлат тилида тўлиқ номини ва унинг жойлашган жойи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши мумкин. Муҳрда бир вақтнинг ўзида бошқа тилларда Жамиятнинг номи бўлиши мумкин. Жамият ўз номи, ўз логотипи, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ва фуқаролик муомаласи, товарлар, ишлар ва хизматлар иштирокчиларини индивидуаллаштириш учун бошқа воситалар билан квадрат штамп ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.

2.11. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.12. Жамият ўз фаолиятини Қонунчилик, мазкур Устав ва Жамият ички хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

2.13. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

### III. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ ВА МАҚСАДЛАРИ

3.1. Жамиятнинг асосий мақсади учун фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ихтиёрий суғурта турларини жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш ҳисобланади.

3.3. Жамият хўжалик фаолиятининг асосий тури – ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси, қайта суғурталаш фаолияти.

3.4. Бундан ташқари, Жамият ўз мақсадларига эришиш учун суғурта бозорида қуйидаги профессионал хизматларини ҳам амалга оширади:

- Қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларини тузиш;
- Ўз мажбуриятларини белгиланадиган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;
- Амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда Инвестиция фаолияти;
- Амалдаги қонунчиликка биноан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини амалга ошириш;
- Суғурта ва қайта суғурта қилиш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш



билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

- Суғурта консалтинг хизматини кўрсатиш;
- Суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чоратадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;
- Суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;
- Суғурта ҳодисаси рўй беришнинг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан олиш;
- Суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;
- Суғурта товони (суғурта пули) тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;
- Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;
- Чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;
- Илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;
- Ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан, бевосита суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларига таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш

### 3.5. Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мақсадида Жамият қуйидагиларга ҳақли:

- хўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини мустақил равишда режалаштириш;
- Қонунда белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда ўз маҳсулотлари, товарлар ва хизматларининг нархи ва тарифларини мустақил равишда белгилаш;
- ўз маблағларини Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида жойлашган корхона ва ташкилотларга сармоя киритиш, устав капиталларни сотиб олиш, бино, бино-иншоот, ер, табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини, қимматли қоғозлар, ва Қонунга асосан мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган бошқа мулклар;
- ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар чиқариш;
- чет эл ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш;
- мустақил равишда иш ҳақи турини ва миқдорини Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ белгилаш;
- Халқаро ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш, чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- Уюшмалар, консорциумлар, акциядорлик компаниялари, бирлашмаларга кириш;
- белгиланган тартибда ваколатхона очиш.
- Суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан суғурта ташкилотлари учун тақиқланмаган бошқа қонуний ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 3.6. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома

(лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

**4.1.** Устав Фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

**4.2.** Устав Фонди 22 000 000 000 (йигирма икки миллиард) сўм.

**4.3.** Жами жойлаштирилган акциялар сони 22 000 000 (йигирма икки миллион) дона.

Жами эълон қилинган акциялар сони 22 000 000 (йигирма икки миллион) дона.

Битта акциянинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

**4.4.** Жамиятнинг барча акциялари оддий ҳисобланади.

##### **Устав Фондини кўпайтириш**

**4.5.** Устав Фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Устав Фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади.

**4.6.** Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

**4.7.** Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Устав Фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

**4.8.** Устав Фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, муддати, жойлаштириш нархи белгиланади.

##### **Устав Фондини камайитириш**

**4.9.** Устав Фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайитирилиши мумкин.

**4.10.** Агар Устав Фондини камайитириш натижасида унинг миқдори Уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган Устав Фондини энг кам миқдоридан Қонун Хужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият Устав Фондини камайитиришга ҳақли эмас.

**4.11.** Устав Фондини камайитириш ва Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Жамият акциядорлари томонидан қабул қилинади.

**4.12.** Устав Фондини камайитириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Жамият акциядорлари Устав Фондини камайитириш сабабларини кўрсатади ва уни камайитириш тартибини белгилайди.

#### **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИВА ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

**5.1.** Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, Қонун Хужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, акциядорлар сифатида қарорлар қабул қилиш этиш ҳуқуқини беради.

**5.2.** Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

**5.3.** Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

**5.4.** Жамият Қонун Хужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар



бўлиши мумкин.

Жамият томонидан Жамият Кузатув Кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

## **VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

6.1. Жамият қўшимча акцияларни очик ёки ёпиқ обуна усулларида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.2. Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

6.3. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштиришнинг бозор қиймати Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.

Устав Фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул орқали амалга оширилади.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Жамият акциядорлари:

- 1) Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- 2) депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- 3) Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- 4) Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- 5) Акциядорлар қарорларини қабул қилиш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- 6) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- 7) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- 8) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 9) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- 10) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлатнотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- 11) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият Акциядорлари Қонун Ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

7.3. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва Қонун Ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

## **VIII. ЖАМИЯТ ДАРОМАДИНИ**

## ТАҚСИМЛАШВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

- 8.1.** Дивиденд Жамият соф фойдасининг Жамият акциядори ўртасида тақсимланадиган қисмидир.
- 8.2.** Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.
- 8.3.** Дивиденд Жамият Акциядорларининг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 8.4.** Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 8.5.** Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Кузатув Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият Акциядори томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 8.6.** Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.
- 8.7.** Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тутагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 8.8.** Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.
- 8.9.** Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорлари қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 8.10.** Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга, ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:
- Устав Фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
  - агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
  - агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав Фонди ва Захира Фонди суммасидан кам бўлса.
- 8.11.** Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

## IX. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 9.1.** Жамият соф фойда ҳисобидан Захира Фондини ҳамда Акциядорнинг Умумий Йиғилиши қарори билан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.
- 9.2.** Захира Фонди
- Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш,
  - Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва
  - Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.
- 9.3.** Жамият Қонунчиликда кўрсатилган фоиздан кам бўлмаган миқдорда Жамият захира фонди тузилади.
- 9.4.** Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори ушбу уставнинг 9.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг Қонунчиликда кўрсатилган фоизидан кам бўлмаслиги керак.

## X. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

- 10.1.** Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:



- Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия Органи (Бош Директор).

## **XI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**11.1.** Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Агар Жамиятнинг барча оддий акцияларининг эгаси ягона акциядор бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилмайди. Қонун ва Устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Ягона Акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак.

**11.2.** Жамият ҳар йили Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилишини) ўтказиши керак. Бундай Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилишини ҳар йили молия йили тугагандан кейин камида икки ой ўтгандан сўнг ва олти ойдан кечиктирилмаган давр мобайнида ўтказилади.

Акциядорнинг йиллик Умумий Йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар деб ҳисобланади.

**11.3.** Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилишини қарорида қуйидаги масалалар кўрилади:

- 1) Кузатув Кенгашини сайлаш;
- 2) тафтиш комиссиясини ташкил этиш ва унинг аъзоларини сайлаш;
- 3) Кузатув Кенгаши ва Бош Директорнинг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари кўриб чиқиш;
- 4) фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- 5) Кузатув Кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (ташкил этилган бўлса) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир Қонун Хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув Кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.

Қарорда бошқа масалалар ҳам акс эттирилиши мумкин.

**11.4.** Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- 1) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш, Кузатув Кенгаши қарори билан илгари суриладиган Устав Фондини қўпайтирилиши муносабати билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;
- 2) Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш, бўшатиш ва ўзгартириш ва оралиқ ва якуний тугатиш молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш; Жамият ихтиёрий тугатилаётган тақдирда, тугатувчига ҳар қандай ҳақ тўлаш ҳамда Жамият ва тугатувчи ўртасидаги шартномавий алоқаларни ўрнатиш ёки бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш;
- 3) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- 4) Жамият ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;
- 5) Жамият асосий бизнес фаолиятларига ўзгартиришлар киритиш;
- 6) Жамият эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини тасдиқлаш;
- 7) Устав Фондини камайтириш, шунингдек Устав Фондини камайтирилиши ва эълон қилинган акциялар миқдорини камайтирилиши билан боғлиқ Уставка тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш;
- 8) Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 9) Акцияларни қайта сотиб олиш;
- 10) Акцияларга мажбуриятлар юклатиш;
- 11) Қимматли қогозлар ҳосилаларини чиқариш бўйича қарор қабул қилиш;
- 12) Жамият ёки шўба корхонанинг акцияларининг қимматли қогозлар бозорида листинги, оммавий таклифи ва делистинги;
- 13) Кузатув Кенгаши йиғилишлари тартиб-таомилларини тасдиқлаш;

14) Кузатув Кенгаши аъзолари сонини белгилаш, ўзгартириш, унинг аъзоларини сайлаш, уларни ваколат муддатини белгилаш ва муддатидан аввал тугатиш;

15) Кузатув Кенгаши аъзолари учун тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

16) Кузатув Кенгаши ваколати досирасидаги ҳисоботлари кўриб чиқиш;

17) Жамият Ижроия органини (Бош директорини) Жамият рўйхатдан ўтиш жараёнида биринчи мартга тайинлаш;

18) Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

19) Жамият фойда ва зарарларини тақсимлаш;

20) Ўтган йиллар бўйича тақсимланмаган фойда ва зарарларни тақсимлаш тартибини белгилаш, Жамият фойдаси асосида жамғармаларни ташкил этиш, ҳар қандай турдаги Жамият акциялар бўйича дивиденд тўловларини, шунингдек дивидендларни тўлаш тартиби, жумладан ҳар қандай дивиденди элон қилиш ёки тўловини тасдиқлаш;

21) АЖ Қонуни белгилаган тартибда Жамиятни аффилиланган шахс билан ҳар қандай битим ва келишувларга кириши;

22) Жамият соф активларининг 50% (эллик фоиз) дан ошадиган ҳар қандай мол-мулкни сотиб олиш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш;

23) Акциядорнинг Жамиятдаги акциялар улушини камайишига олиб боровчи ҳар қандай ҳаракатлар бўйича қарор қабул қилиш;

24) Мажбурий аудит учун аудит ташкилотини тайинлаш, ушбу хизматлар учун тўланиши мумкин бўлган максимал пул миқдорини белгилаш ва аудит ташкилоти билан шартнома тузиш (бекор қилиш);

25) Акцияларни беришга боғлиқ чекловларни жорий қилиш;

26) Қонунчилик ва Ушбу Уставга низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**11.5.** Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Кузатув Кенгаши ёки Бош Директорга ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

**11.6.** Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар Қонун Хужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

## **XII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**12.1.** Кузатув Кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, АЖ Қонуни ва ушбу Устави билан Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

### **Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатлари**

**12.2.** Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Бош Директорининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

3) Бош Директорни тайинлаш ва унинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш, Жамият рўйхатдан ўтиш жараёнида биринчи мартга Бош директорни тайинлаш бундан мустасно;

4) Бош Директорга тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;

5) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилувчи сиёсатларни тасдиқлаш;

6) Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини (жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай) ва йиллик бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

7) Жамиятнинг Ички Аудит Хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;



8) Бош Директорнинг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бош Директордан олиш;

9) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш (агар Жамиятда бундай орган ташкил этилган бўлса);

10) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан Акциядорлар Умумий Йиғилишига тавсиялар бериш;

11) Жамият ихтиёрий тугатиши юзасидан Акциядорлар Умумий Йиғилишига тавсиялар бериш;

12) Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

13) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

14) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

15) Қонун Ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) Қонун Ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилиланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

17) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни Қонун Ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

18) Устав Фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Уставга Устав Фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

19) Қонун Ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

20) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

24) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш;

25) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисолага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

26) аудит ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш (мажбурий аудит бундан мустасно), аудит ташкилотини белгилаш, ушбу хизматлар учун тўланиши лозим бўлган энг кўп пул миқдорини белгилаш ва аудит ташкилоти билан шартнома тузиш (бекор қилиш);

27) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш

28) Жамият Кузатув Кенгаши ваколат доирасига Қонун Ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

**12.3.** Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Бош Директорга ўтказилиши мумкин эмас.

#### **Кузатув Кенгаши аъзолари**

**12.4.** Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга тайинланадилар (сайланадилар). Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони 3 кишидан иборат.

**12.5.** Жамият Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

**12.6.** Бош Директор Кузатув Кенгашига сайланиши, тайинланиши мумкин эмас.

**12.7.** Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган бошқа талаблар Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамият Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низомида» белгилаб қўйилади.

#### **Кузатув Кенгаши раиси**

**12.8.** Кузатув Кенгашининг раиси Кузатув Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув Кенгаши ўз раисини Кузатув Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

**12.9.** Кузатув Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув Кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва Жамият номидан Бош Директор билан меҳнат шартномасини имзолайди.

**12.10.** Кузатув Кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув Кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

**12.11.** Кузатув Кенгаши йиғилишлари қуйидаги шаклларда ўтказилиши мумкин:

- Кузатув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши;
- Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши.

**12.12.** Кузатув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши 12.2. бандда кўрсатиб ўтилган масалаларни кўриб чиқиш ва, зарур бўлганида, ҳал қилиш мақсадида, шунингдек кун тартибига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш мақсадида, йил давомида камида ҳар чоракда чақирилиши керак.

**12.13.** Кузатув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтган чорак якунидан тўрт ҳафта кечиктирмай ўтказилиши керак.

**12.14.** Навбатдаги йиғилишлари ҳисобланмайдиган Кузатув Кенгашининг бошқа йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлари ҳисобланади.

#### **Кузатув Кенгаши йиғилишининг чақирилиши**

**12.15.** Кузатув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши Кузатув Кенгаши раиси томонидан чақирилади. Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши Уставга мувофиқ Кузатув Кенгаши раиси томонидан ўз ташаббусига биноан, Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзосининг ёки Бош Директорнинг ёзма талабномасига биноан чақирилади.

**12.16.** Кузатув Кенгаши раиси талабнома олган кундан бошлаб уч (3) кун ичида Кузатув Кенгаши йиғилиши чақириши ва ўтказиши ёки, Қонунда белгиланган ҳолларда, чақиришни ва ўтказишни рад қилиши керак.

**12.17.** Агар Кузатув Кенгаши йиғилиши ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, бундай йиғилиш унинг ўтказилиши тўғрисида талабнома қабул қилинган кундан йигирма (20) кун кечиктирмай ўтказилиши керак.

**12.18.** Кузатув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши тўғрисида унинг барча аъзолари йиғилиши ўтказилиши режалаштириладиган кундан камида ўттиз (30) кун олдин хабардор қилинишлари керак.

**12.19.** Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши тўғрисидаги хабарномада кун тартибига муҳокама қилинадиган масалалар билан боғлиқ барча зарур ҳужжатлар тўлиқ бўлиши керак. Хабарнома Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзосига Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши учун белгиланган санадан камида ўн тўрт (14) кун олдин юборилади (топширилади).

**12.20.** Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзоси ўз таклифларини йиғилиш ўтказиладиган санадан 7 (етти) кун олдин кун тартибига киритиш ҳуқуқига эга. Кузатув Кенгаши раиси келиб тушган таклифларни кўриб чиқади ва уларни Кузатув Кенгаши йиғилишининг кун тартибига киритиш ёки киритмаслик тўғрисида йиғилиш санасидан камида 5 (беш) кун олдин қарор қабул қилади. Агар таклифлар қабул қилинса, Кузатув Кенгаши раиси кун тартибига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида аъзоларни хабардор қилади. Кузатув Кенгаши йиғилишининг кун тартибига таклиф этиладиган ўзгартиришлар рад этилган тақдирда, Кузатув Кенгаши раиси кун тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритган Кузатув Кенгаши аъзосини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда йиғилиш санасидан 5 (беш) кундан кечиктирмай хабардор қилади.

**12.21.** Кузатув Кенгашининг қарорлари йиғилиш ўтказилмасдан (кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун Кузатув



Кенгаши аъзоларининг қўшма иштирокида) видеоконференция ёки сиртдан овоз бериш (бюллетень) орқали қабул қилиниши мумкин. Бундай сиртдан овоз бериш почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон ва бошқа алоқа воситалари орқали узатилган ва қабул қилинган хабарларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш ҳамда уларни ҳужжатли тасдиқлаш орқали ҳужжатларни алмашиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

**12.22.** Кузатув Кенгашининг қарорлари кузатув Кенгаши ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин. Кузатув Кенгаши сиртдан овоз бериш йўли билан (овозлар сонини санаш) қарорлар қабул қилган ҳолларда, Кузатув Кенгаши аъзоларининг биргаликдаги иштирокида Кузатув Кенгаши йиғилишини ўтказиш тартибига бўлган талабларни белгилловчи Уставнинг қоидалари қўлланилмайди. Сиртдан овоз бериш (овозлар сонини санаш) ўтказилганда қуйидаги шартлар таъминланиши керак:

- Кузатув Кенгашининг барча аъзоларини таклиф этилаётган кун тартибидан хабардор қилиш;
- овоз беришдан олдин Кузатув Кенгашининг барча аъзоларини барча маълумотлар ва материаллар билан таништириш имкониятини таъминлаш;
- Кузатув Кенгашининг барча аъзолари овоз беришдан олдин барча маълумотлар ва материаллар билан танишганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш;
- кун тартибига киритиш учун қўшимча масалаларни таклиф қилиш имкониятини тақдим этиш;
- овоз беришдан олдин Кузатув Кенгашининг барча аъзоларини кун тартибидagi ўзгаришлар ва овоз бериш тартиби тўғрисидаги муддатлар тўғрисида хабардор қилиш.

#### **Кузатув Кенгашининг йиғилишларида овоз бериш**

**12.23.** Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овоз бериш ҳуқуқига эга. Кузатув Кенгаши йиғилишида очик овоз бериш қўлланилади.

**12.24.** Кузатув Кенгаши йиғилишида фақат кун тартибида кўрсатилган масалалар муҳокама қилиниши ва овоз берилиши мумкин, агар Кузатув Кенгашининг барча аъзолари бундай йиғилишда қатнашмаса.

**12.25.** Бош Директор Кузатув Кенгаши йиғилишида иштирок этиш, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

**12.26.** Кузатув Кенгаши раиси Мажлиснинг котибини тайинлайди ва у Кузатув Кенгаши Мажлиснинг баённомасини юритади. Баённома раис, котиб ва Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан йиғилиш ўтказилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай имзоланади. Баённома Бош Директор томонидан баённома китобида сақланади ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилишитомонидан танишиш (текшириш) учун мавжуд бўлади.

Жамият Кузатув Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият Кузатув Кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан (75%) кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан (75%) кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг қарори қабул қилинади.

Жамият Кузатув Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Кузатув Кенгашининг бир овоз билан қабул қилиниш керак бўлган қуйидаги масалар бундан мустасно:

- 1) Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- 2) Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;
- 3) Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;
- 4) Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш.

**12.27.** Кузатув Кенгаши Қонун Ҳужжатлари, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш юритади.

### **ХШ. ЖАМИЯТНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ**

**13.1.** Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Бош Директор томонидан

амалга оширилади.

**13.2.** Бош Директор Қонун Хужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган «Жамият Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш юритади.

**13.3.** Бош Директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Бош Директор Кузатув Кенгаши олдида ҳисобдордир. Бош Директор ва унинг ўринбосарлари Кузатув Кенгашига ҳар ой мунтазамлигида ҳисобот бериб боради. Мазкур ҳисоботларда Жамият тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, фойда ва зарарлар, пул оқими, солиқлар тўғрисидаги молиявий ҳисоботлар ҳамда бошқа тегишли ёки Кузатув Кенгаши томонидан алоҳида талаб қилинган маълумотлар акс эттирилади.

**13.4.** Бош Директор Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади.

**13.5.** Бош Директор ваколатига қўйидагилар киради:

- 1) Устав, Қонунчилик ва Кузатув Кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- 2) Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 3) банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- 4) Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- 5) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- 6) Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши учун Жамият ташкилий тузилмаси бўйича таклифлар киритиш;
- 7) Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг ўз ваколати доирасида Жамият штат жадвалини, маошлар ва ходимларга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш тартиби ва миқдорини белгиловчи Жамият ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
- 8) Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- 9) Кузатув Кенгашига маошлар тўлаш шакли ва миқдори сиёсатига оид таклифларни киритади;
- 10) Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- 11) Жамият номидан Амалдаги Қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- 12) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- 13) Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ёки Кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- 14) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- 15) Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган йиллик режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- 16) Жамиятни ривожлантириш стратегиялари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш;
- 17) Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Жамият йиллик бизнес режа ва бюджетини тайёрлаш;
- 18) Жамиятнинг фаолиятида Қонун Хужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- 19) Қонун Хужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек



акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- 20) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Кузатув Кенгаши талабига кўра тақдим этиш;
- 21) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- 22) хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- 23) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- 24) Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- 25) Қонун Ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи тўғрисида»ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Бош Директор, Ягона Акциядор томонидан йиллик қарор қабул қилинишидан аввал, ўтган молия йилидаги Жамият молиявий ва иқтисодий фаолияти натижалари бўйича ҳисобот беради.

**13.6.** Бош Директор Кузатув Кенгаши томонидан 3 (уч) йил муддатга тайинланади. Бош Директор билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Кузатув Кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Жамият ва Бош Директор билан тузиладиган шартномада Бош Директорнинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари бажарилиш юзасидан ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

**13.7.** Бош Директор мажбуриятлари:

- 1) Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- 2) ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;
- 3) Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 4) Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;
- 5) Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши олдида ҳисобот бериш;
- 6) Қонун Ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;
- 7) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;
- 8) Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;
- 9) Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- 10) Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
- 11) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
- 12) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;
- 13) Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
- 14) Қонун Ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;
- 15) Акциядорлар Умумий Йиғилишининг йиллик қарори қабул олдин, Бош директор ўтган молиявий йил давомида Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериши лозим;
- 16) Жамият фаолиятида Қонун Ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош Директор Қонун Хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

#### **XIV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**14.1.** Кузатув Кенгашининг аъзолари ва Бош Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

**14.2.** Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув Кенгаши аъзолари, Бош Директор жавобгар бўлмайди.

**14.3.** Жамият ёки Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув Кенгаши аъзоси, Бош Директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

#### **XV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

##### **Ички аудит хизмати**

**15.1.** Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Кузатув Кенгашига ҳисобдордир.

**15.2.** Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан Қонун Хужжатларига, Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан Қонун Хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда Устав капиталини 50 фоизи миқдоридаги улуш жамиятга тегишли бўлган юридик шахсларнинг хўжалик муомалаларини ички назоратини амалга оширади ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

**15.3.** Ички аудит хизматининг ваколатлари ва унинг фаолиятининг тартиби Амалдаги Қонунчилик, Устав ва Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Жамият ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

##### **Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

**15.4.** Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ҳар йили молия ҳужжатларини ҳаққонийлигини ҳамда китоб ва ёзувларни ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида мустақил аудиторлик ташкилотини тайинлайди

**15.5.** Аудит ташкилоти Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади. Жамият аудитори халқаро нуфузга эга аудиторлик ташкилоти бўлиши лозим.

**15.6.** Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Қонун Хужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

**15.7.** Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

##### **Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси**

**15.8.** Жамият Кузатув Кенгаши корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тўғрисида қарор қилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчиси Жамият Кузатув Кенгашига ҳисобдордир ва корпоратив Қонун Хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

**15.9.** Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

#### **XVI. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**



- 16.1.** Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.
- 16.2.** Жамият Қонун Хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.
- 16.3.** Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Бош Директори зиммасида бўлади.
- 16.4.** Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
- 16.5.** Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан йиллик қарор қабул қилинадиган санадан ўн (10) кун кечиктирмай Кузатув Кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.
- 16.6.** Жамиятнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботида, Ягона Акциядорга тақсимланадиган дивидендлар ҳисобланаётганда, шунингдек, бошқа ҳар қандай мақсадлар учун, валютани конвертациялашни амалга ошириш лозим деб ҳисобланганда, бундай конвертация ваколатли банк томонидан битим амалда тузилган кун бўйича белгиланган алмаштириш курси орқали амалга оширилади.

## **XVII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**

### **ТУГАТИШ**

#### **Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби**

**17.1.** Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қарори асосида Қонун Хужжатлари билан белгиланган талаблар ва Қонун Хужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

#### **Жамиятни тугатиш тартиби**

**17.2.** Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқӣ ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади. Жамиятни тугатиш Қонун Хужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ, Қонун Хужжатларида белгиланган ҳолларда ёхуд Ягона Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

## **XVIII. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ**

### **18.1. Жамият:**

- Уставни, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, Устав Фондига киритилган пулсиз улушларни баҳолашни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатни;
- Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни ва акциялар эмиссияси рисоласини (агар тегишли бўлса);
- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
- Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ёзма қарорлари, Кузатув Кенгаши мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Бош Директорининг буйруқларини;
- Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

- Жамият акциядорларининг реестрларини;
- мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

18.2. Жамият 18.1 бандида кўзда тутилган ҳужжатларни ўзининг бош офисида сақлайди.

## XIX. СУҒУРТАЛАШ

19.1. Жамият фаолияти билан боғлиқ мулк ва таваккалчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ суғурталаниши мумкин.

## XX. ТОВАР БЕЛГИСИ

20.1. Жамият ўзининг савдо белгисига эга бўлиши мумкин. Жамиятнинг товар белгиси Жамиятга тегишли объектлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқарилган (йиғилган) маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар ва рекламада қўлланилиши мумкин.

## XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Мазкур Устав, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан утказилган кундан бошлаб кучга киради.

21.2. Ушбу Уставда акс эттирилмаган масалалар АЖ Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Амалдаги Қонун Ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, агар Қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

2024-йил 28 май куни Тошкент шаҳрида инглиз ва ўзбек тилларида икки (2) асл нусхада имзоланди, бунда Уставнинг ўзбек тилидаги асл нусхаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Уставнинг бошқа тиллардаги таҳрирлари ўртасида тафовут ёки келишмовчиликлар вужудга келган тақдирда ўзбек тилидаги нусхаси устунлик қилади.

**“QULAY INSURANCE” АЖ**

**Ягона Иштирокчиси**

**“TBC Bank” АТБ номидан**

**Ишончли вакил**



**Валиев Ж.**